

5-27-2019

# THE "OLIMIA" TAJWEED IN THE UZBEK LANGUAGE

Ismatullayev Abdumannon  
a.ismatullayev@mail.ru

Follow this and additional works at: [https://uzjournals.edu.uz/or\\_stud](https://uzjournals.edu.uz/or_stud)

 Part of the [History Commons](#)

---

### Recommended Citation

Abdumannon, Ismatullayev (2019) "THE "OLIMIA" TAJWEED IN THE UZBEK LANGUAGE," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 4.  
Available at: [https://uzjournals.edu.uz/or\\_stud/vol1/iss2/4](https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/4)

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).



	γ (ğ)		k
	x		t
	f		y
	h		hamza
	t		

Кишилик тарихида ёзувнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши қандай муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, кейинги даврда унинг матн битиш ва ёзувда танланиши ҳам шу қадар муҳим роль ўйнаган. Қадимда туркий халқлар матн битишда ўзига хос қонун-қоидаларга риоя қилган. Айниқса, муқаддас саналган асарлар, матнларни кўчиришда ушбу қоидага сўзсиз амал қилинган.

Монийлик туркий халқлар орасига тарқалгандан сўнг, муқаддас китоблар, асарлар туб аҳоли қўллайдиган кўк турк ва уйғур ёзувларида кўчирила бошланди. Иккинчи турк хоқонлигида бошланган матн тузиш анъанаси Уйғур хоқонлиги матнларида ҳам

давом эттирилди. Илк ўрта асрларда уйғур ёзуви кўк турк хати билан бир қаторда параллел қўлланилган. Шу билан бирга, моний ёзуви туркий тилли матнларда ҳам қўлланилди. Натижада, туркий халқлар қўллаган ёзувлар сони яна биттага ошди. Бу ҳол туркий халқларнинг филологик билим даражаси юқори эканини яна бир бор исботлади.

Бугунги кунгача етиб келган турк-моний манбалари ёзув жиҳатидан жуда чиройли: хат услубининг классик турида; имло-ишорат белгилари мунтазам қўлланган ҳолда кўчирилган. Булар моний матнларини кўчирувчиларнинг саводхонлик даражасини ҳам кўрсатади.



## ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ОЛИМИЯ” ТАЖВИДИ

**ИСМАТУЛЛАЕВ АБДУМАННОН**

Таянч докторант, ЎзХИА

**Аннотация.** Мазкур мақолада XX аср бошларида яшаган тошкентлик олимлардан бири Олимхон ибн Мусохон Тошкандийнинг “Олимия” асаридаги тажвид илмига оид янги маълумотлар берилган. Асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари ҳамда асар таркиби ҳақида биринчи бор сўз юритилган. Мақола исломишуносликка оид билимларни бойитишга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

“Олимия” асарининг ягона қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқишунослик институти қўлёзмалар фондидан топилди, мақолада илмий тавсиф қилинган. Китоб 1903 йили Тошкентда Ильин матбаасида чоп этилган. У аслида “Фатху-т-тажвид” деб аталган бўлса-да, бироқ “Олимия” номи билан шўхрат қозонган. “Олимия”нинг муаллифи Олимхон ибн Мусохон Тошкандий ҳақида деярли маълумотлар учрамайди. У ўзининг “Олимия” номли мазкур асарини 1321 ҳижрий йили 5 сафарда ёзиб тугатганини ва у 190 байтдан иборат эканини қайд қилиб ўтган. Ушбу сана милодий 1903 йил 31 майга тўғри келади. Демак, муаллиф асарни ёзиб тугатган йили уни Тошкентдаги Ильин матбаасида чоп қилдиришга улгурган. Шарқишунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма эса анча кеч – 1939 йил 7 июльда китобат қилган эди.



Қуръонни тўғри ўқиш методлари ва қонун-қоидалари бу асарда назмий шаклда, ўзига хос тарзда кўриб чиқилган. Рисолани ўқиб чиқиб, фикр билдирган ва тақриз ёзиб берган тошкентлик уламоларнинг номлари эса бирма-бир зикр қилинган. Мазкур уламоларнинг номлари маҳаллий илм аҳлининг фаолиятини, уларнинг илмий меросини ўрганиш учун йўл очади.

Рисоланинг кейинги наср қисми нашрда 16–23-бетларда жойлашган бўлиб, савол-жавобдан иборат. Рисоланинг арабча жумлалар билан бошлангани муаллифнинг араб тилини мукаммал билишидан дарак беради.

“Олимия” асари Қуръонни ўқиш методлари, қонун-қоидаларини ўзида акс эттирган, назм ва насрда битилган рисола ҳисобланади. Уни илмий тадқиқ этиши XX аср бошларида Туркистонда Қуръонга ва қориларга муносабат, Қуръон илмларига оид билимларни ўрганишида аҳамиятлидир.

**Таянч сўз ва иборалар:** тажвид, қироат, Қуръон, рисола, фарз, уламо, қори, қўлзма, Туркистон.

**Аннотация.** В настоящей статье изучено произведение «Олимия», посвященное новым методикам и правилам чтения Карана, вышедшее из-под пера ученого Алимхана ибн Мусахона Ташканди, жившего в начале XX века в Ташкенте. Впервые приведены сведения о рукописи и литографии, а также о структуре произведения. Без сомнения статья послужит обогащению наук ислама.

Единственная рукопись произведения «Олимия» найдена в фондах института Востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан и подвергнута научному разбору в статье. Книга была отпечатана в ташкентской типографии Ильина. Настоящее название книги «Фатху-т-тажвид», однако широкую известность получило как «Олимия». Об авторе «Алими» Алимхане ибн Мусахане Ташканди практически мало что известно. Он закончил книгу «Олимия», состоящую из 190 бейтов (двустийший), 5-го числа месяца сафар 1321 года по исламскому календарю. Эта дата приходится на 31-ое мая 1903 года по григорианскому календарю. Значит, автор успел отпечатать произведение в том же году в ташкентской типографии Ильина. Однако, типографская копия произведения, хранящаяся в фондах института Востоковедения, датируется более поздней датой – 7 июля 1939 года.

В этом произведении, в своеобразном стихотворном стиле, даны правила и методы чтения Карана. Также, поименно упомянуты ташкентские ученые богословы, прочитавшие и давшие рецензию на данное произведение. Этот список имен открывает путь к изучению трудов и научного наследия местных ученых-богословов.

Следующий прозаичный раздел книги, на страницах 16–23, составлен из вопросов и ответов. Данная часть книги написана на арабском языке, что свидетельствует о прекрасном владении автором этим языком.

Произведение «Олимия», написанное стихотворным и прозаичным стилями, является научным трудом, вобравшим в себя методы и правила чтения Карана. Научное изучение этого произведения имеет ценность для понимания отношения в Туркестане к Карану, чтецам Карана и состоянию наук о нём в начале XX века.

**Опорные слова и выражения:** методы и правила чтения Карана, Каран, рисала, фард, ученые, чтец Карана, рукопись, Туркестан.

**Abstract.** This article presents a new information about "Olimiya" treatise by scientist of Alimkhan ibn Musakhan Tashkandi, one of the Tashkent scientists who lived in the beginning of the 20th century. The manuscript and lithography and all the composition of this work were mentioned for the first time in this article. The article will undoubtedly contribute to enriching the knowledge about Islam.

The single copy of manuscript of the work "Olimia" was found in the manuscript fund of the Academy of Oriental Studies named after Abu Reykhan Beruni of the Republic of Uzbekistan and was scientifically described in the article.

The book was printed in 1903 in the "Ilyin" printing house of Tashkent city. It was known under the name "Olimia", but in fact it's real name was "Fath ut-tajvid". Information about the author of the work "Olimia" – Alimkhan ibn Musakhan has never occurred. He noted that he had finished writing his own work in 1321, on the 5th day of the "Safar Month" by the "islamic calendar" and it consists of 190 "bays". This number falls on the "Gregorian calendar" on March 31, 1903. This means that the author had finished



writing the book and managed to publish it in the "Ilyin" printing house. The manuscript which is saving in the fund of the Institute of Oriental Studies was written later – in July 7, 1939.

In this work, the methods and rules for correct reading of "Koran" are written in a special poetic form and investigated in a peculiar style. And the names of all the scientists of Tashkent who had read the book and wrote their reviews about it, given one by one. The names of these religion scientists open the way to the study the activities of local scientists and their scientific heritage.

The next part of the work starts from 16 to 23 pages and it consists of questions and answers. And the fact that the manuscript begun with Arabic sentence, means that the author knew Arabic very well.

The work "Olimia" is considered as a manuscript which contains reading methods, rules of "Koran". And its significant on the scientific study at the beginning of the twentieth century in Turkistan and regard to "Koran" readers and studies about it.

**Keywords and expressions:** tajvid (the rules of correct pronunciation of letters in reading the Koran), Koran, risala, fard, scientists, Koran reader, manuscript, Turkistan.

Қадим Мовароуннаҳр халқлари ўзларининг илмий мероси, илмий фаолиятлари билан бутун ислом оламига, балки бутун дунёга устоз бўлиб келганлар. Ўрта Осиё олимлари ўз даврида амалда мавжуд барча илмий соҳаларда баракали ижод қилганлар, илмларнинг пойдеворларини қўйганлар, ўз ижодлари билан кейинги авлодларнинг илмий оламини бойитганлар.

Исломий илмларнинг асосини қуръоншуносликка оид фанлар ташкил қилади. Улар Қуръонни тўғри ўқиш ва тўғри тушунишга қаратилган бўлиб, тажвид бу хилдаги илмлар орасида энг оммалашгани ҳисобланади. Тажвид Қуръонни тўғри ўқиш қонунқоидалари, шарт-шароитларига бағишланган илм бўлиб, Мовароуннаҳр қорилари ва ҳофизлари ҳам бу соҳада баракали илмий ижод ва фаолият билан машғул бўлганлар. Араб тилида ижод қилиб келган отабоболаримиз XIX аср – XX аср бошларида, асосан, форсий ва туркий тилларда ёза бошлади. Бу жараён уларнинг асарларини оддий халққа ҳам яқинлаштирди. Айниқса, XX аср бошларидаги Марказий Осиё халқларидаги миллий уйғониш, жадид маърифатпарварларининг кенг фаолияти, ватанпарварона юритган ишлари илмнинг барча соҳаларига оид асарларни туркийлаштириш жараёнини бошлаб юборди. Бу даврда маърифатпарвар боболаримиз томонидан яратилган дарсликлар, айрим маърифий асарлар, "Ўқиш китоби" кабилар ўрганилган бўлса-да, бироқ

болалар ва оддий халқ учун нашр қилинган диний адабиётлар махсус тадқиқ қилинган эмас. Бу даврда қандай диний адабиётлар яратилди, исломий илмларнинг қайси соҳаларига эътибор берилди, уларда мавзулар ва маълумотлар қай тарзда ва қай даражада акс эттирилди? Бу каби саволлар илмда ханузгача жавобсиз қолмоқда. Мазкур даврдаги ислохотлар ва тадбирлар асосида "Олимия" рисоласи вужудга келди.

Ўз даврининг таниқли маърифатпарварларидан бири, тошкентлик олим ва қорилар хонадони вакили Олимхон ибн Мусохон Тошкандий Қуръон ўқиш қоидаларига бағишланган икки қисмли – назмий ва насрий асар битган. Китоб 1903 йили Тошкентда Ильян матбаасида чоп қилинган бўлиб, унинг титул варағида китоб номи ва муаллифи: "Китоби "Фатҳу-т-тажвид", таснифи Мулла Олим ибн Мусохон, ал-мусаммо би- "Олимия" ("Мулла Олим ибн Мусохон ёзган, "Олимия" деб аталган "Фатҳу-т-тажвид" китоби") деб кўрсатилган. Демак, рисола "Олимия" деб аталгани билан унинг асл номи "Фатҳу-т-тажвид" бўлган. Бироқ, рисоланинг бирор жойида бу ном айтилган эмас. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мазкур асарнинг битта қўлёзма нусхаси сақланади<sup>1</sup>. Мазкур қўлёзма нусхада ҳам

<sup>1</sup> Olimxon ibn Musохон Toshkandiy. Olimpiya. O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Abu



асар номи “Тажвиди Олимия” деб берилган<sup>1</sup>. Шунингдек, асарнинг айнан ўзида ҳам асар номи “Олимия” экани ва унинг назм-наsr қисмлардан иборатлиги таъкидланган:

*Ҳар икки назму наср ўлуб марқум,  
“Олимия” оти-ладур мавсум<sup>2</sup>.*

“Олимия” тажвиди айнан Олимхон Тошкандийга тегишли экани унинг муқаддимада кўйидаги тўртликда ифодаланган:

*Эмди, айтур бу камтарини аном  
Ким, эрур гарқи қулзуми асом.  
Ибн марҳум қори Мусохон,  
Оти Олим ва лек ҳечмадон.*

Олимхон ибн Мусохон Тошкандий ҳақида деярли маълумотлар учрамайди. У ўзининг “Олимия” номли мазкур асарини 1321 ҳижрий йили 5 сафарда ёзиб тугатганини ва у 190 байтдан иборат эканини қайд қилиб ўтган:

*Соли ҳижратдин ўлди ушбу калом,  
Бир минг уч юз йигирма бирда тамом.  
Сафар ойини беш кунда эди,  
Бандаи Олим ушбу рисола деди.  
Жумла абёти бир юз-у тўқсон,  
Ушбу аъдода етти бенуқсон<sup>3</sup>.*

Ушбу байтларда кўрсатилган сана милодий 1903 йил 31 майга тўғри келади. Демак, муаллиф асарни ёзиб тугатган йили уни Тошкентдаги Ильин матбаасида чоп этиришга улгурган. ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган қўлёзма эса анча кеч – 1939 йил 7 июлда китобат қилинган эди. Унинг 01<sup>a</sup> варағида: “Алоуддин махзум ўғилларидан Мирзо Абдуллоҳ тоғамдан бу китоб Нодирхонга махсусдир. “Тажвиди Олимия”, 1939 йил, 07.07.” деган қайд мавжуд. Мазкур қайддан хаттот номи Мирзо Абдуллоҳ бўлиши мумкинлигини тахмин қилса бўлади.

Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti (keyingi o'rinlarda: O'zR FA SHI) qo'lyozmalar fondi, № 11865. – 18 v.

<sup>1</sup> O'sha manba. – V. 01<sup>a</sup>.

<sup>2</sup> Olimxon ibn Musохон Toshkandiy. Olimpiya. – Toshkent, II'in, 1903, b. 2.

<sup>3</sup> Olimxon ibn Musохон Toshkandiy. Olimpiya. O'zR FA SHI, № 11865. – V. 10<sup>b</sup>.

ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 11865 тартиб рақами билан сақланаётган “Олимия”нинг дунёда ягона қўлёзма нусхаси 18 варақдан иборат (1<sup>a</sup>–18<sup>a</sup>). Ўлчами: 22,5х13,5 см. Асарнинг манзума қисми ҳар бир саҳифада 11 сатрдан қилиб икки устунда жойлаштирилган. Қизил рангга бўялган Кўкон қоғозига кўчирилган.

Қўлёзманинг асосий матни хошиясида мавзуга алоқадор иборалар турли китоблардан олиниб, иқтибослар келтириб борилган. Уларнинг аксари араб тилидаги китоблардан олинган. Бу иқтибослар бизга “Олимия”нинг манбалари ҳақида яққол тасаввур бера олади. Энг кўп иқтибослар “Мулла Али ал-қори”дан олинган. Ундан Али ал-қори ал-Ҳаравий ал-Маккий (ваф. 1616) томонидан битилган “ал-Минаҳ ал-фикрия би-шарҳ ал-Муқаддима ал-жазария” номли асар назарда тутилган. Ушбу асар 1885 йилдан бошлаб Мисрда қайта-қайта нашр қилинган эди.

Али ал-Қори таниқли ҳанафий олими, ҳадисга оид “Мирқоту-л-мафотих” ва фикҳга оид “Боб фатҳ ал-иноя” асарлари билан Мовароуннаҳр халқлари орасида ҳам шуҳрат қозонган эди. Унинг “Арбаъин” каби асарлари ўзбек тилига ҳам ўгирилган<sup>4</sup>.

Али ал-Қорининг тажвидга бағишланган асари машҳур қироат олими Шамсиддин ал-Жазарий (1350–1429) томонидан битилган “ал-Муқаддима ал-жазария” номли манзумага шарҳ ҳисобланади. Шамсиддин ал-Жазарий ўз даврининг энг машҳур қироат олими бўлиб, соҳибқирон Амир Темур томонидан Самарқандга таклиф қилинган. У ўзининг сара асарларини Мовароуннаҳрда ёзган эди. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”да айтишича, Шамсиддин ал-Жазарий Бурсада Амир Темур билан учрашган ва Самарқандга келган. Амир Темур бобомиз Мирзо Улуғбек

<sup>4</sup> Ilohiy hadislar / To'plovchilar: Hasan Husnu Ardam va Aliyyul-qoriy. Turkchadan Usmon Qo'chqor tarjiması. – Toshkent, Cho'lpon, 1994, – 128 b.





ва бошқа шахзодаларни уйлантирганида, ни-  
коҳ хутбасини хурматан у зотга ўқитган экан<sup>1</sup>.

Олимхон Тошкандий “Олимия” асарида  
Шамсиддин ал-Жазарийни мактаб туриб, унинг  
тажвид илмини фарз деганини келтирган:

*Жазарий ул имоми дини худо,  
Қаддасаллоҳу руҳаҳу абадо.  
Бўйла дурфошлик қилибдур ул,  
Ахзи тажвид фарз дебдур ул<sup>2</sup>.*

Шамсиддин ал-Жазарий ўзининг “ал-  
Муқаддима ал-жазария” номли манзумасида  
тажвид илмининг фарз эканини қуйидаги  
байтлар билан ифодалаган:

وَالْأَخَذُ بِالتَّجْوِيدِ حَتَّمٌ لَّازِمٌ، مَنْ لَمْ يُجَوِّدِ الْقُرْآنَ فَهُوَ آتِمٌ  
لَأَنَّهُ بِهِ الْإِلَهُ أَنْزَلَا، وَ هَكَذَا مِنْهُ إِلَيْنَا وَصَلَا

Яъни, тажвидни ўрганиб олиш фарз ва  
лозим. Кимки Қуръонни тажвид билан  
ўқимаса, у гуноҳкордир. Чунки, Аллоҳ таоло  
уни нозил қилган. Шу хилда у бизгача етиб  
келган<sup>3</sup>.

“Ал-Муқаддима ал-жазария”даги мазкур  
байтларни Олимхон Тошкандий “Олимия”  
асарида қуйидагича таржима қилган  
дейишимиз мумкин:

*Илми тажвид фарзу лозим эрур,  
Ани тарк этса қори, осим эрур.  
Чунки, Қуръонни этти Ҳақ инзол,  
Ани тажвид ила қилиб ирсол<sup>4</sup>.*

Юзинчи ҳижрий санага келиб ақоид,  
фикҳ каби бошқа соҳаларда мусулмонлар-  
нинг сонлари, миллатлари, ирқлари, тиллари  
ва эҳтиёжларининг ҳаддан ташқари кўпай-  
гани эътиборидан қироат бобида ҳам алоҳи-  
да илмий асосга суянган йўналишлар пайдо  
бўлди. Бу давр ва шароит талаби эди. Араб

бўлмаган мусулмонлар араблардан кўпа-  
йиб кетган эди. Янги мусулмонликни қабул  
қилган араблар ҳам аввалгиларига ўхшамас  
эди. Ушбу ва яна бир неча омиллар Қуръо-  
ни Карим қироати буйича алоҳида илм ва  
илмнинг имомлари пайдо бўлишига олиб  
келди. Натижада, қироатлар ва қорилар анча  
кўпайиб кетди. Аста-секин уларни тартибга  
солиш бошланди. Ўн тўрт қироат, ўн қироат  
ва ниҳоят етти қироатга иттифоқ қилинди.  
Бу қироатларнинг бир-биридан фарқи баъ-  
зи бир сўзларнинг талаффузида ва шунга  
ўхшаш кичик нарсаларда эди, холос. Улар  
худди бир қанча фикҳий мазҳаблардан  
тўрттаси танлаб олинганга ўхшайди.

Қуръон етти нафар қорининг қироатла-  
рига асослангани маълум. Улар Нофёе ал-  
Маданий (689–785), Ибн Касир ал-Маккий  
(665–738), Абу Амр ал-Басрий (687–771),  
Ибн Омир аш-Шомий (630–736), Осим ибн  
Абу Нажуд ал-Кўфий (ваф. 745), Ҳамза ал-  
Кўфий (699–772) ва Али ал-Кисоий (737–  
805) каби олимлардир<sup>5</sup>. “Олимия” тажвидида  
номлари бирма-бир саналган мазкур етти  
нафар қироат олими тўғрисида маълумот  
берилар экан, уларнинг ҳар қайсинисининг  
қироатида тиловат қилиш жоизлиги таъкид-  
ланади. Бироқ, булар орасида Имом Осим-  
нинг қироатини ҳанафий мазҳаби олимлари  
ихтиёр қилганлигини келтирган. Аслида,  
бугунги кунда бутун дунё бўйлаб ушбу  
олимнинг қироат услуби тарқаган.

Имом Осим номи билан шуҳрат қозонган  
қироат олими Абу Бакр Осим ибн Абу ан-Нужуд  
ал-Кўфий ал-Асадий (ваф. 127 х./745 м.) томо-  
нидан ишлаб чиқилган қироат услуби ҳозирги  
қунимизгача бутун дунёда қабул қилинган.

“Олимия”да бу зотнинг услуби қироатда  
ҳанафийлик сингари худди бир мазҳаб сифа-  
тида шаклланиб улгургани қайд қилинган:

*Етти қорики моҳиру комил,  
Ҳужми Қуръона эрдилар омил.*

<sup>1</sup> Sharafiddin Ali Yazdiy. Zafarnoma / Nashrga tayyorlash, so'zboshi, izoh va ko'rsatkichlar A. O'rinbojevnik. – Toshkent, Fan, 1972, bb. 418<sup>6</sup> va 461<sup>6</sup>.

<sup>2</sup> Olimxon ibn Musoxon Toshkandiy. Olimiya. – Toshkent, II'in, 1903, b. 3.

<sup>3</sup> Shamsiddin al-Jazariy. Al-Muqaddima al-jazariya. – Toshkent, Breydenbax, 1898, b. 12.

<sup>4</sup> Olimxon ibn Musoxon Toshkandiy. Olimiya. – Toshkent, II'in, 1903, b. 3.

<sup>5</sup> Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Qur'on ilmlari. – Toshkent, Hilol-nashr, 2013, bb. 421-428.



*Ҳар бирининг қироати жоиз,  
Кимки ахз этса, ўлғуси фоиз.  
Лек, Бу Амри Ҳафс Осимдин,  
Ҳар қироатки қилдилар таъйин.  
Ҳанафия машойихи онинг,  
Ихтиёр эттилар тамомининг.  
Маъхази Осим хўжаста лақаб,  
Бас, биза ўлди гўё мазҳаб<sup>1</sup>.*

Бу ерда тилга олинган Абу Амр Ҳафс ибн Сулаймон ал-Кўфий (708–796) Имом Осимнинг ўғай ўғли бўлиб, унинг қироатининг ровийси ҳисобланади.

“Олимия” рисоласида умумий кириш қисмдан кейин тажвид илмида кўриб чиқилган асосий қоидалар – “тааввуз-басмала”, “ҳарф махражлари”, “ҳарф сифатлари”, танвинлик ва сукунлик “нун”, “идғом”, “иқлоб” ва “ихфо” қоидалари, шунингдек, идғомнинг “мутақорибайн” ва “мутажонисайн” турлари, сукунлик “мим”, “мадд” ва “тафхим” қоидалари, вақф турлари ва белгилари тўғрисида сўз юритилган. Мазкур қоидалар тажвидга оид барча рисоаларда ўз аксини топган. Бироқ, улар бу асарда назмий шаклда, ўзига хос тарзда кўриб чиқилган. Рисолани ўқиб чиқиб, фикр билдирган ва тақриз ёзиб берган тошкентлик уламоларнинг номлари эса бирма-бир зикр қилинган<sup>2</sup>.

Рисолани ўқиб ижобий фикр билдирган Мулла Мир Аҳмад Охунд ал-Муфтий, Миён Фазл Муззаммил Маъсумий, Миён Борийхон, Муҳаммад Амин, Убайдуллоҳ Хўжа, Баҳодирхон Махсум, Абдулмавлонхон, Хожа Абдуррашид, Муҳаммад Абдулқодир Аълам, Мулла Абдуллоҳ ал-Мударрис каби тошкентлик олимларнинг номлари учрайди. Улар рисолага юқори баҳо бериб, унинг толиби илмлар учун жуда фойдали эканлигини айтиб ўганлар.

Рисоланинг кейинги – наср қисми насрда 16–23-бетларда жойлашган бўлиб, савол-жавобдан иборат. Рисола куйидаги арабча жумлалар билан бошланади:

أَمَّا بَعْدُ فَيَقُولُ الْعَبْدُ الْمُفْتَقِرُ إِلَى كَرَمِ رَبِّهِ الْبَارِي عَالِمِ ابْنِ  
مُوسَى خَانَ الْقَارِي قَدْ سَوَّدْتُ هَذِهِ الْمَجْمُوعَةَ مُسْتَمَلَةً بِالْأَسْوَلَةِ وَ  
الْأَجْوَبَةِ التَّرْكِيَّةِ تَسْهِيلاً وَ تَفْهِيماً لِلصَّبِيَّانِ وَ سَمَّيْتُهَا بِالرَّسَالَةِ  
الْعَالَمِيَّةِ مُسْتَعِينًا بِالرَّحْمَنِ وَ عَلَيْهِ التَّكْلَانُ

“Аммо баъд. Раббисининг карамига муҳтож банда Олим ибн Мусохон ал-қори айтади: ушбу мажмуани туркийча савол-жавобни қамраган ҳолда болаларга осон бўлиши ва тушунча ҳосил бўлиши учун қораладим. Уни Раҳмондан ёрдам сўраган ҳолатда “Олимия” рисоласи деб атадим. Суянч Унгадир!”<sup>3</sup>.

Олимхон Тошкандий рисоланинг бу кириш қисмини араб тилида ёзганидан унинг араб тилини мукамал билишини ва болалар учун уни туркий тилида битганини англаш қийин эмас.

“Савол” сўзи ўрнига “син” ҳарфи, “жавоб” сўзи ўрнига “жим” ҳарфи қўйилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак:

Биринчидан, “Олимия” тажвиди ўз даврида тажвид фанидан дарслик сифатида қўлланма ўлароқ нашр қилинган эди. Туркистон ҳудудида XIX аср охири – XX аср бошларида “Олимия”га ўхшаган ўндан ортиқ тажвидлар яратилди. Қарийб уларнинг барчаси тошбосма ва миллий матбааларда кўп нусхаларда нашр қилиниб, омма орасига кенг тарқалди. Унинг муаллифи Тошкентнинг таниқли қориларидан бўлгани ҳам шу хилдаги бошқа тажвидларга нисбатан оммалашганини кўрсатади.

Иккинчидан, мазкур тажвид назмда ва насрда икки қисм қилиб яратилди. Бу эса ёш болаларнинг ёд олиши учун қулай эди.

Учинчидан, унда ўтмишда яратилган “ал-Муқаддима ал-Жазария” сингари тажвидга оид мўътабар манбалардан унумли фойдаланилган.

Тўртинчидан, мазкур тажвиднинг тили, услуби ва муаллифнинг ҳаёти XIX аср охири – XX аср бошларидаги жаҳидчи ва маърифатпарвар боболаримизнинг маърифий фаолиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Olimxon ibn Musохон Toshkandiy. Olimiya. – Toshkent, II’in, 1903, b. 3.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 15.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б. 16.